

Самарканд вилояти Тим кишлогидаги архитектура ёдгорлиги, хижрий 367 (милодий 977—78) йиллари курилган. Макбаранинг кўрки унинг махобатли пештокидир. Пешток пояларида куфий ёзувлари бор. Араб ота макбараси Мовароуннахрда сакланиб колган энг кадимги мусулмон макбараларидан бири. Унинг пештоки ўша даврда яратилган шу типдаги биноларнинг дастлабки етук намунаси бўлиб, XI—XII асрлар архитектурасининг ривожига таъсир этди.